

Араб тарихчиси Ёкут Хамавий: «Мовароуннахрнинг Марв шахрида бўлганимда у ердаги кутубхоналар, улуг донишмандларнинг асарларидан фойдаланишдаги завк-шавк билан бола-чака, ёру дўстларимни ҳам унутиб юбордим. Марвда илмий аҳамиятга эга бўлган кимматли китоблар жуда кўп эди. Мен у ердан кетган вақтимда (1220 йилда) вақф килинган, яъни текинга хизмат киладиган ўнта кутубхона бор эди. Дунёда китобининг кўплиги ва яхшилиги жихатидан ундай жойни кўрмаганман. Масалан, Катта Жомеъ (дорилфунун мажмуи)га карашли иккита кутубхона бўлиб, бири Султон Санжар ходимларидан Азизиддин Абу Бакр Занжоний номига қўйилган. Унда ўн икки минг жилдга якин кўлёзма китоблар сақланади». (Машхур файласуф Ибн Кибтийга ёзган мактубидан).

Араб олими Мустафо Хусний: «Ибн Надиймнинг айтишича, Маъмун билан Рум подшохи ўртасида ўзаро алоқа бор эди. Маъмун уни айрим урушларда мағлуб этган бўлиб, ўрталарида тузилган сулҳга кўра Рум подшохи ўз хазинасидаги китобларни таржима қилишга Маъмун жўнатган одамларга рухсат бериши керак эди. Рум подшохи ҳам ушбу шартни бажонидил бажаради. Голиб ҳоким галаба учун миллатининг фарзандларига мамлакатига келтириладиган илмий китоблардан кўра қийматлироқ нарсани кўрмади. Тарих сўзлаган бундан ҳам буюк ходиса борми?». («Ислом хазораси» китоби, Тошкент, 2004 йил).

Бухоролик олим Шарифжон Махдум: «Бухородаги Мозори Шариф дарвозасининг ташкараси «Гулзор»да каландарона ҳаёт кечирувчи Фозил девона форсий китобларни кўчирадиган кучли хаттотлардан эди. 1803 йилда бир савдогар Хиндистондан Бухорога Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ўз қўли билан ёзилган девонини олиб келди. Бу хабар Бухоро амирига ҳам етиб, у китобни кўриш ва сотиб олиб мулкига айлантириш хавасига тушди. Лекин савдогар уни ҳар қандай киммат баҳога сотишга ҳам, жуз бандини бузиб нусха кўчиртиришга ҳам рози бўлмади. Бухорода бир ой туришни режалаган савдогарни қирк кун қолишга мажбурлашди. Чунки амир шу муддат ичида ундан бир нусха кўчиртириб олмокчи эди. Хамма ёкка жар солиб, «қайси қотиб шу ишни қирк кун ичида уддаласа, минг тилло пул, яна инъом ва ҳадялар берилиши» овоза қилинди. Оз муддатда катта бир ишни бажариш қийинлигидан бирор хаттотнинг нафаси чикмади. Шунда тўсатдан пайдо бўлиб қолган Фозил девона бу шартга қўнди. «Гулзор»даги хужрасининг эшигини ёпиб, китобатга киришди. Қирк кун деганда амирнинг одамлари уни тантана билан арққа олиб келишди. У кўрсатилган муддатда икки нусха кўчирган бўлиб, бирини амирга тақдим қилди, иккинчисини ўзига қолдирди. Нусхаларнинг ҳар бири икки варақли қозғоққа кўчирилган, тахминан 500 га якин жуз (табоқ) бўлар эди. Амир хаттотга илтифотлар кўрсатиб, бир минг қизил олтин, бош-оёқ сарпо, турли ҳадялар берди. Фозил девона пулга сув лабида бир бино қурган эди». («Рисолаи хаттотон» асари қўлёзмаси, 264-бет).

Ўтмишдаги ватандошларимиз ва диндошларимиз китобга бугунги муносабатимизни кўрганда не ахволга тушишаркин?